

Британияда илк марта мусулмон шахс муҳим лавозимга тайинланди



07:35 / 18.03.2025 1406

2025 йил 14 март куни Ҳамид Пател, Офстед (Ofsted) — Англиянинг таълим стандартлари бўйича масъул органининг вақтинчалик раиси лавозимига тайинланди. Бу ҳақда aniq.uz сайти хабар берди. Ушбу тайинлов Британия тарихида биринчи марта мусулмон шахсининг ушбу муҳим лавозимни эгаллаши ҳисобланади.

Пател келгуси беш ой давомида Англия мактаблари ва таълим муассасаларини инспекция қилиш ҳамда академик таълим ривожланиши учун стратегик режалаштиришни назорат қилади.

Ҳамид Пател таълим соҳасида катта тажрибага эга бўлган раҳбар. У 2010 йилдан бери Star Academies Trust раҳбари сифатида фаолият юритиб, ушбу даргоҳни мамлакатдаги энг юқори баҳоланган таълим муассасаларидан бирига айлантирди. Унинг раҳбарлигидаги мактаблар бир неча бор Офстед томонидан «ўта юқори» деб баҳоланган.

Офстед — Англиянинг таълим, болаларга ғамхўрлик ва маҳорат соҳаларидаги стандартларни назорат қилувчи мустақил орган. У мактаблар, болалар боғчалари, коллежлар ва бошқа таълим муассасаларини назорат қилиб, уларнинг сифатини баҳолайди ҳамда ривожлантириш бўйича тавсиялар беради.